BUXORO VILOYATI PESHKU TUMANI HOKIMINING
QARORI

201200, Peshku tumani, Amir Temur ko‘chasi, 3-uy. Tel: (65) 35-31- 6-31, faks: (65) 35-31-570, peshku.t@exat.uz

2022 - yil 2 - dekabr 612-2-39-Q/22 Peshku tumani hokimligi

Пешку туманида уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомнинг 10, 12-бандлари, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат кадастрлари палатаси (К.Ҳожиев) ушбу қарор билан тасдиқланган “Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби” асосида иш юритилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор “Пешку овози” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Қаххоров**

Peshku tuman hokimining
2022 yil 2 dekabrdagi
612-2-39-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланишга қабул қилиниб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

Кейинги техник ҳисобга олиш уйлар ва турар жойларни вақти-вақти билан режали хатлашлар ўтказиш йўли билан беш йилда камида бир марта, шунингдек, режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб амалга оширилади.

2. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомга асосан Уй-жой фонди инсон яшаши учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлар, (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар, интернат-уйлар, шунингдек, болалар уйлари ва ва бошқа махсус мақсадли уйлар)дан иборат бўлган фонд.

4. Уй-жой фондини ҳисобга олиш техник ҳужжатлар йиғма жилди, рўйхатдан ўтказиш дафтарлари, инвентар ҳужжатлар йиғма жилдида шаклланган рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг нусхалари, бошқа инвентаризация ҳужжатлари туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архивида сақланади.

5. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига ариза билан мурожаат қилади.

6. Аризалар туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида аризалар реестрига

қайд қилинади.

7. Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун туман кадастрлар палатасига телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида ариза беришлари мумкин.

Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғма жилдининг ҳар бир варағига туман кадастрлар палатаси филиали раҳбари томонидан "аслига тўғри" деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кун ичида ҳуқуқ эгасига топширилади.